

12 -сонли ШАРТНОМА

2022 йил «10» январь

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси номидан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи полковник А.М.Шермухамедов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 09 октябр кундаги 808-сонли қарори билан тасдиқланган "Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматларни шартномавий-ҳуқуқий асосда амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом" асосида фаолият юритувчи (кейинги ўринларда Ижрочи деб аталади) бир томондан ҳамда "Тошкент педиатрия тиббиёт институти" номидан "Тошкент педиатрия тиббиёт институти" ректори Б.М.Дамиров (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) иккинчи томондан, биргаликда томонлар деб аталади, қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани тузди;

### 1. Шартнома предмети

1.1 Ушбу шартнома бўйича "Буюртмачи" нинг топшириғи билан "Ижрочи" ўз зиммасига ППХ отряд ходимларини ажратган ҳолда (қуйида ходимлар деб аталади) жамият ҳудудида ва унинг атрофида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш ва жиноятчиликни олдини олиш мажбуриятини олади.

1.2 Ижрочи жавобгарлик ҳудудлари ва патруль йўналишларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини кўрсатади, Буюртмачи эса ушбу Шартнома шартларига асосан кўрсатилган хизмат учун тўловлар ўз вақтида тўланишини таъминлайди.

### 2. Умумий шартлар

2.1. Буюртмачи Тошкент шаҳар Боғишамол кўчаси 223 да жойлашган "Тошкент педиатрия тиббиёт институти" ҳудудида (кейинги ўринларда объект деб аталади) жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни топширади, Ижрочи қабул қилади.

2.2. Пост ва патруль йўналишлари белгиланган ҳолда, объектнинг чегара ҳудудлари (иншоотлари, қурилмалари), жавобгарлик ҳудудлари ушбу шартномага илова қилинган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган режа-схема ва пост ҳамда патруль йўналишлари жойлашган жойда кўрсатилади.

2.3. Объектдаги Ўтказиш (киритиш) ва ички объект режими Томонлар келишуви бўйича ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Ўтказиш (киритиш) ва ички объект режимини ташкил этиш ва амалга ошириш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади.

2.4. Объект муҳандислик-техник ва хавфсизлик тизимлари билан Буюртмачи томонидан жиҳозланади.

2.5. Зарур ҳолларда объектда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун Буюртмачи билан келишилган ҳолда, хизмат итларидан фойдаланиш мумкин. Хизмат итларидан фойдаланиш, уларни боқиш, шу жумладан зарур озик-овқатларни ажратиш, ветеринария хизматлари кўрсатиш ички ишлар органларининг норматив ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

2.6. "Ижрочи" томонидан "Буюртмачи"нинг мурожаатига асосан, ушбу шартнома шартларини бажариш учун 2 (икки) нафар ходим ажаратади.

2.7. Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати ходимлари ушбу Шартнома имзолангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ИИБ томонидан штат бирликлари ажратилганидан кейин объектга хизматга жалб этилади.

20 yil №

### 3. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Ҷзaro келишилган нарх асосида “Буюртмачи” ва “Ижрочи” томонидан тасдиқланган ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган Тошкент шаҳар ИИББ билан келишилган ҳолда ягона смета тасдиқланиб, унга мувофиқ белгиланган **54 000 000 (эллик тўрт миллион)** сўм пул маблағини, 3 ой давомида ойма ой тенг қисмларга бўлиб “Ижрочи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан энг кам ойлик иш ҳаққи миқдори оширилган тақдирда “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда шартноманинг ажралмас қисми бўлган смета қайтадан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов буюртмачи томонидан ижрочининг ҳисоб рақамига ушбу Шартномада назарда тутилган ойлик тўловнинг 100 фоизини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.4 Жамият “Ижрочи” ва “Буюртмачи” ўртасида ойма-ой ўзaro тасдиқланадиган табелъга мувофиқ, ҳақиқий ишлаган ходимлар сонига, факатгина “ходим”нинг бетоблик, ўқиш ва меҳнат таътили даврларини инобатга олган тарзда, счет-фактура расмийлаштирилган ҳолда тўловни амалга оширади.

### 4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 4.1. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Ижрочидан ўтказиш (киритиш) ва ички объект режимини ташкил этиш ва амалга ошириш йўриқномасига риоя этишни талаб қилиш;

б) Ижрочи ходимларининг хизматни ўташдаги камчиликлар ва қоидабузарликларини бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўришни талаб қилиш;

в) Ижрочи хизматини ташкил қилиш ва амалга оширилишини назорат қилиш;

г) Ижрочи томонидан интизом бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича тегишли чоралар кўриш мақсадида Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

д) Ижрочи томонидан хизматлар лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

#### 4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

а) мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги кўздан кечириш далолатномасига асосан, объектнинг муҳандислик-техник мустаҳкамлиги бўйича тадбирларни амалга ошириш ва ўз ҳисобидан ППХ ходимларининг хизмат кўрсатишлари учун зарур шарт-шаронглар билан таъминлаш, шунингдек заруратга қараб таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

б) Ижрочи билан ҳамкорликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг муҳандислик-техник, ёнгина қарши, коммуникация тизимлари ва иншоотларининг хавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан кўздан кечириш, зарур ҳолатларда аниқланган камчиликларни Буюртмачи томонидан бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартиби кўрсатилган ҳолда Томонларнинг масъул вакиллари имзоси билан далолатнома тузиш;

в) объектнинг муҳандислик-техник, ёнгина қарши, коммуникация тизимлари ва иншоотларининг хавфсизлик талабларига жавоб беришига риоя этиш талабларини бажариш;

г) бино ва иншоотларда режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, уларнинг иш режими ва фаолият йўналишини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини ташкил этиш, кўриқланадиган жой ёки майдонларни бошқа шахсларга ижарага бериш, объектни бошқа шахсга мулк қилиб бериш, шунингдек тадбирлар ўтказиш ва бунинг натижасида хизмат ўташ тартибларига, пост ва патруль йўналишларига ўзгартиришлар киритиш ёки хавфсизликни таъминлаш бўйича кўшимча муҳандислик-техник воситаларни ўрнатиш талаб этилиши ҳақида Ижрочини камида \_\_\_\_\_ кун олдин огоҳлантириш;

д) Ижрочининг объектга хизматга жалб этилган ходимлари сони, хизматни ташкил этиш тартиби, пост ва патруль йўналишлари жойлашган жой, <sup>20</sup> хавфсизликни таъминловчи муҳандислик-техник воситаларни жойлаштириш тизимлари, шунингдек объектда жамоат

ТЕКШИРИЛДИ

либини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бошқа маълумотларни ёгона шахсларга ошкор қилмаслик;

е) Ижрочи вакиллари объектда унинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисмига тааллуқли ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан таништириш.

#### 4.3. Ижрочининг ҳуқуқлари:

а) Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички режим тартибига риоя қилинишини талаб қилиш;

б) объектни кўздан кечириш далолатномаси асосида, татбиқ этилиши зарур бўлган хавфсизликни таъминловчи муҳандислик-техник воситалар билан объектни жиҳозлаш юзасидан Буюртмачига тавсиялар бериш.

#### 4.4. Ижрочининг мажбуриятлари:

а) шахсий таркибининг ушбу Шартномада кўрсатилган зарур ходимлари сонини ажратиш, пост ва патруль йўналишлари жойлашувига мувофиқ объектга нарядларни қўйиш;

б) ушбу Шартнома ва унинг иловаларига мувофиқ ходимларнинг ўз функционал вазифаларини лозим даражада бажаришларини ташкил этиш;

в) жавобгарлик ҳудудларида патрулликни амалга ошириш, қўриқланадиган объектларда жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни қўлга олишга қаратилган чораларни амалга ошириш;

г) объектни ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, ушбу Шартномага мувофиқ объектда ўрнатилган кириш-чиқини ва ички режим тартибини амалга ошириш, белгиланган тартибда объектга товар-моддий бейлицларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилишини назорат қилиш;

д) объект ҳудудига фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи, муомалада бўлиши чекланган (тақиқланган) ёқуд олиб киришга (чиқишга) Буюртмачи рўхсати талаб этиладиган предмет ва буюмларни рўхсатсиз олиб кириш (чиқиш)нинг олдини олиш ва бартараф этиш;

е) объектда ёнғин хавфсизлиги, санитария қоидалари ва нормаларини таъминлашга қаратилган ишларни олиб бориш;

ж) фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда бу ҳақда зудлик билан ҳудудий ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ҳамда Буюртмачи вакилини хабардор қилиш, жиноий ҳаракатларни бартараф этишда уларга ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш;

з) Буюртмачи билан ҳамкорликда ҳар чоракда камида бир маротаба қўриқланадиган объектнинг муҳандислик-техник ёнғинга қарши, коммуникация тизимлари ва иншоотларининг хавфсизлик ҳамда техник мустаҳкамлик талабларига мувофиқлиги юзасидан уларни кўздан кечириш, зарур ҳолларда аниқланган камчиликларни Буюртмачи томонидан бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда, Томонларнинг масъул вакиллари низои билан далолатнома тузиш;

и) Ижрочи томонидан йўл қўйилган мажбуриятнинг ҳар бир қондабузарлик ҳолати юзасидан Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари иштирокида 2 нусхада далолатнома тузиш, бир нусхасини тегишли чоралар кўриш учун Ижрочи раҳбарига тақдим этиш;

к) фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда ички ишлар органларининг махсус бўлинмалари ва бошқа тегишли идоралар етиб келишунга қадар жамоат тартибини сақлаш, объектни бирламчи тўсиб олиш ва қўриқлаш бўйича зарур чоралар кўриш;

л) фавқулодда ҳолатларда қўриқланадиган объектда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун эвакуация, кутқарув ва бошқа қидирларни амалга ошириш.

### 5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Ушбу Шартномада кўрсатилган сумма Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўланмаганда Буюртмачи Ижрочига ҳар бир келиштирилган кун учун тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг миқдори муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.2. Ижрочининг ходими вазетларда ва патруль йўналишларида асоссиз равишда бўлмаганлиги учун Ижрочи Буюртмачига бир кунлик қўриқлаш хизмати нархининг 10 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

ТЕКШИРИЛДИ



5.3. Ижрочи ушбу Шартнома ва унинг иловаларида кўрсатилган мажбуриятларни тегишли даражада бажармаганлиги натижада Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

5.4. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойкани (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 6. Низоларни ҳал қилиш

6.1. Ушбу Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишда юзага келадиган низолар Буюртмачи ва Ижрочи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## 7. Форс-мажор ҳолатлар

7.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун, агар бундай ҳолат ушбу Шартнома тузилгандан кейин ва Томонлар оқилона чоратадбирлар билан олдинчи ололмаган фавқулодда тусдаги воқеалар оқибатида пайдо бўлган бартараф этиб бўлмайдиган кучлар оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Ушбу Шартномада кайи этилган вазиятлар туфайли ўз мажбуриятини бажара олмайдиган Томон мазкур бартараф этиб бўлмайдиган кучлар пайдо бўлган кундан бошлаб икки кун муддатда иккинчи Томонни бундай ҳолат юзага келгани, кейинчалик эса тўхтатилгани ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

7.3. Форс-мажор ҳолатлари ва уларнинг оқибатлари уч ойдан ортиқ давом этса, Ижрочи ва Буюртмачи Шартномани лозим ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлигини муҳокама қилади ва агар бир ой муддат ичида ўзаро келишилган қарорга келмаса, ҳар бир Томонга ҳеч қандай талаблар қўймасдан ушбу Шартномани бекор қилиш ҳуқуқи берилади.

## 8. Якунловчи қондалар

8.1. Ушбу Шартнома кайи этилган барча камчиликлар Буюртмачи томонидан бартараф этилганлиги тўғрисида қўзғалган келириш далолатномаси тузилганидан сўнг кучга кириди. Шартнома тузилган вақтдан Томонлар имзолаган сана билан белгиланади.

8.2. Ушбу Шартномани киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, Томонларнинг ҳаққонли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади ва унинг ажратмас қисми ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг кайи килини муддати Томонлар уни имзолаб, барча мажбуриятларини тўлиқ бажаргандан сўнг бекор қилинади.

Агар Томонлардан бири ушбу Шартномага амал қилиш муддати тугагунга қадар 30 кун олдин уни тўхтатиш ёки бекор қилиш ҳақида маълум қилмаса, Шартнома шу муддат ҳамда шартларга мувофиқ узайтирилади.


8.4. Ушбу Шартномани бекор қилишдан манфаатдор Томон бошқа Томонни исталган муддатдан бир ой олдин бундай ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

8.5. Агар ҳавфсизлигини таъминотининг техник воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқса ва зудлик билан қайта таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи мазкур камчиликларни бартараф этишга рад этса, Ижрочи 7 кун олдин Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантириб, шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.

8.6. Ушбу шартнома кайи тартибда тузилган ва бир хил юридик кучга эга.

8.7. Объектнинг ҳудудидан келиб чиқиб, Томонлар ушбу Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

8.8. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь



9. Томонларнинг манзили реквизитлари

Ижрочи

Буюртмачи

**Тошкент шаҳар ИИББ**  
С.Азимов кучаси 87-уй  
**X/P 2150 6000 5004 4787 8015**  
Марказий банк Тошкент шаҳар ХККА  
МФО:00014 ИНН:001757285 ОКОН:0740

**Тошкент Педиатрия Тиббиёт институти**  
г.Ташкент, ул., Богишамол 223, тел.: 260-28-50 факс: 262-33-14  
ИНН: 201 122 783 ОКЭД: 85 420  
Л/с: 400910860262667094100054001  
Р/с: 2340 2000 3001 0000 1010  
ОПЕРУ Казначейства МФ РКЦ ГУ ЦБ г.Ташкент  
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Юнусобод тумани ИИОФ МБ  
бошлиғи



*A.M. Sherмухамедов*  
А.М.Шермухамедов

Ректор



*Zorina Tashkent: Zorina*  
(Зоронова С.В.)

“РОЗИМАН”

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи  
генерал-майор



*A.A. Tashpulatov*  
А.А.Ташпулатов

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР ТИШҚИ ХИЗМАТИ  
ТАШИҚИЛИЙ БОШҚАРМА ҲУДИДА ТАМЛИҚЛАШ БОЎЛМИ

**ТЕКШИРИЛДИ**  
-10- 01 2022 йил № 25

*[Signature]*

"ТАСДЕКЛАВАНМА"

2022 жил



Юриспруденцийн ФЭМБ ЖТСБ ПХХ сэрүүнийн "Төмсөг Педетриг тийбийн институт" хэлтэсний учир  
01.03.2022 жилдээ 31.03.2022 жилдээ ажравалдагтай мэдээлэл

**СМЕТА - ХАРАЖАТЛАРИ**

№/Үр	Тайлбарчлал санагчид	Лаймдм мөнгө	Ашиг учир мөнгө	Урьдчил амтат билсдари учир күнэмжэ	Мууафит Санагчид мөнгө + зүүн учир мөнгө *2/12	Мэдсий Эрхэм (эзэм) мөнгө зүүн учир мөнгө /12	Малга уурагч учир уурагч хас	Ахадсони СТТОН 15% (сүм)	Огно онсат зүүн коопери санин	Сэф буюн ларга мэдүүс устанга	ИХ КОМАНДИН 20%	Мэдүүс фонд (сүм)	ЖАМН бир хэсэг бир үрч (сүм)	Холон тар ени	ЖАМН ни хэсэг бир үрч учир зардал бир үрч (сүм)	У.Рег. Санагчид на 5% Рег. Премийн ИХ-40% санин зардал Янгал мэдсийн (5% 25%)	ЖАМН учир (5 ой) Им хэсэг на ИИТ бистан (сүм)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
2	Сайн дуурайл (сэдвэл)	1 721 268	759 528	310 100	413 466	209 733	688 307		871 320	1 008 600		614 940	6 654 462	2	13 308 924	2 357 272	46 998 588
	Жамн														13 308 924	2 357 272	46 998 588

1 гр. Бүтэц харилцагчид 1 ойга 2 хэсэг - 13 308 924 сүм  
1 гр. Бүтэц харилцагчид 3 ойга 2 хэсэг - 39 926 772 сүм  
2 гр. Бүтэц харилцагчид 1 ойга 2 хэсэг - 2 357 272 сүм  
2 гр. Бүтэц харилцагчид 3 ойга 2 хэсэг - 7 071 816 сүм  
Бусад харилцагчид 3 ойга 2 хэсэг - 7 001 412 сүм  
Тусгай  
Дамдм суурвал - 27 000 сүм  
Бусад харилцагчид (мэдсийн төлбөр) - 1 679 832 сүм  
Бусад мэдсийн харилцагчид - 5 294 500 сүм

Жамн гаднахланг смета буюнча 1 ойга - 18 000 000 сүм  
Жамн гаднахланг смета буюнча 3 ойга - 54 000 000 сүм

Төмсөгт нахар ИИББ МТХ билигч н.о.б  
спирний дэйтснэг С.Э.Эргашев

Төмсөгт нахар ИИББ МТХ 95 билигч н  
эвнэгчид "Төснүрэг" Ф.М.Сабитов

Төмсөгт нахар ИИББ ПХХнаЖТСБ  
саффор "Тайбэрдэг" И.Н.Натаров

"ТАСДЕКЛАВАНМА"

Төмсөгт нахар ИИББ МТХ билигч  
спирний дэйтснэг

С.Э.Эргашев

2022 жил

